

**Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан бериладиган  
субсидиялар**

Т/Р	Субсидия тури
1	Иш берувчиларга - аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун - ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида тўловни амалга ошириш учун субсидия ажратиш. (Малака ошириш 1200,0 минг сум)
2	Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш учун субсидия ажратиш. (Квотадан ортиқ 600,0 минг сум)
3	Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш. (12000,0 минг сум)
4	Урмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар АБКМда рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун — 6 ой давомида ўртacha иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан ошмаган миқдорда субсидия ажратиш. (600,0 минг сум )
5	Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида субсидия ажратиш. (450,0 минг сум)
6	Хунармандчилик кластерлари уставини шакллантириш учун субсидиялар
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 596-сон' қарори билан касаначилик фаолияти амалга оширишда субсидия тўловини амалга ошириш.

Вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  Д.Бабаев